

Муминов Нозим Гафарович,
ALFRAGANUS UNIVERSITY “Иқтисодиёт”
кафедраси профессори, иқтисодиёт фанлари
номзоди, Тошкент, Ўзбекистон Республикаси

ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ МИНТАҚА ИЖТИМОИЙ- ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИДАГИ АҲАМИЯТИ

УДК: 338.22.01

[HTTPS://DOI.ORG/10.34920/SO/VOL_2025_ISSUE_9_1](https://doi.org/10.34920/SO/VOL_2025_ISSUE_9_1)

МУМИНОВ Н.Г. ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ МИНТАҚА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИДАГИ АҲАМИЯТИ

Таълим тизимини такомиллаштириш ва интеграцион жараёнларни ривожлантириш муаммолари ушбу тизим ислоҳталаб бўлган, ҳамда аҳолининг катта қисми таълим тизими хизматларидан фойдаланаётган мамлакатларда ўта муҳим ҳисобланади. Ушбу илмий тадқиқот мақоласининг мақсади Ўзбекистон таълим тизимида тадбиркорликни ривожланишининг муҳим йўналишлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Илмий тадқиқот мақоласида таълим тизимида тадбиркорликни ривожлантиришни таҳлили ва прогнослаштиришнинг услубий масалалари кўриб чиқилган. Ўзбекистонда хусусий таълимни ривожланиши самарадорлиги таҳлил этилган, шу билан бирга қўшни мамлакатлардаги таълим хизматлари бозори тадқиқ этилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: таълим тизими, университет, таълим сифати, университет моделлари, тадбиркорлик университети, хорижий талаба, нодавлат университети.

МУМИНОВ Н.Г. РОЛЬ РЕФОРМ В СИСТЕМЕ ОБРАЗОВАНИЯ УЗБЕКИСТАНА В СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОМ РАЗВИТИИ РЕГИОНА

Совершенствование системы образования и проблемы развития интеграционных процессов очень актуальна в странах, где большая часть населения пользуется или имеет желание пользоваться услугами данной сферы. Целью данной научно-исследовательской статьи является разработка рекомендаций по развитию предпринимательства в системе образования Узбекистана. В научно-исследовательской статье анализирован процесс развития предпринимательства в системе образования и рассмотрены методические вопросы ее прогнозирования. Проанализировано развитие частного образования в Узбекистане, а также рынок образовательных услуг соседних стран.

Ключевые слова и понятия: система образование, университет, качество образования, модели университета, университет предпринимательства, иностранный студент, негосударственный университет.

MUMINOV N.G. THE ROLE OF REFORMS IN THE EDUCATION SYSTEM OF UZBEKISTAN IN THE SOCIAL AND ECONOMIC DEVELOPMENT OF THE REGION

Improving the education system and the problems of developing integration processes are very relevant in countries where the majority of the population uses or has a desire to use the services of this sphere. The purpose of this research article is to develop recommendations for the development of entrepreneurship in the education system of Uzbekistan. The research article analyzes the process of developing entrepreneurship in the education system and considers methodological issues of its forecasting. The development of private education in Uzbekistan, as well as the market of educational services of neighboring countries, are analyzed.

Key words and concepts: education system, university, quality of education, university models, entrepreneurship university, international student, non-state university

Кириш. Таълим тизимини ривожлантириш ва интеграцион жараёнларни чуқурлаштириш масалалари ушбу тизим ислохталаб бўлган, ҳамда аҳолининг катта улуши таълим тизими хизматларидан фойдаланаётган мамлакатларда ўта долзарб ҳисобланади. Олий таълим тизимининг таркибий элементлари ўта консерватив ҳисобланиб, киритилаётган янгиликлар ва амалга оширилаётган ислохотлар дастлаб кутилаётган натижаларга олиб келмаслиги мумкин. Олимлар ва профессионал педагогларга амалга оширилаётган ислохотлардан тизимнинг ҳар бир субъекти - университет, педагог ва талаба нима имкониятларга эга бўлиши ва олишини батафсил тушунтириш зарур.

Ушбу тадқиқот ўз рақобатбардошлигини ошириш истагида бўлган замонавий университетда таълим сифатини таъминлашга йўналтирилган тадбиркорлик фаолиятини концептуал ва ташкилий жиҳатдан тизимлашувини ўрганишга йўналтирилган.

Таълимни бошқариш масалалари қуйидаги олимларнинг тадқиқотларида ўрганиб чиқилган: Воробьева С.В. [1], Gabor Kertesi [2], Корзникова Г.Г. [3], Лазарев В.С. [4], Лазарев Г.И. [5], Муминов А.Г. [6], Назарова Д. [7], Муминов Н.Г. [8, 9, 10]. 21 аср бошларида таълим сифатини бошқариш муаммолари долзарб муаммога айланиб, у қуйидаги олимларнинг ишларида тадқиқ этилгандир: Балобанова Е.Г. [11], Денисенко В.А. [12], Коротков Э.М. [13], Курбанов Ш.Э., Сейтхалилов Э.А. [14], Третьяков О.Б. [15], Субанов Т.Т. [16]. Ҳозирги кунда таълимнинг муҳим муаммоси бўлиб таълим хизматлари маркетинги намоён бўлмоқда. Ушуб муаммо билан қуйидаги олимлар шуғулланишмоқда: Tania Gupta [17],

Ахунова Г. [18], Бондаренко В.А. [19], Галева Р.М. [20], Гончаров М.А. [21], Кузьмина Е.Е. [22], Мосина Н.В. [23], Набиев Д. [24], Очилов А.О. [25, 26], П.И. Третьякова, С.И. Захаренков, М.В. Туберозова, Н.А. Шарай [27], Прокопенко С.А. [28], Шестак О.И. [29], Троицкий Е., Юн С., Погорельская А. [30].

Тадқиқот методлари. Ушбу илмий тадқиқот мақоласининг мақсади Ўзбекистон таълим тизимининг ижтимоий ва иқтисодий самарадорлигини такомиллаштиришнинг муҳим омили ҳисобланган тадбиркорликни ривожланишининг муҳим йўналишлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Белгиланган мақсаддан келиб чиқиб қуйидаги вазифалар ҳал қилинган: Ўзбекистон ва қўшни мамлакатларда олий таълим тизимининг замонавий ҳолатини таҳлили; нодавлат таълим тизимини яратиш ва ривожлантириш сабаби ва механизмининг ўрганиш, ҳамда уни таснифлаш; Ўзбекистон фуқароларини ватанида ёки хорижда олий таълимга эга бўлиш имконияти муаммосини комплекс ечиш бўйича услубий асослар ва аниқ амалий тавсиялар ишлаб чиқиш; истиқболда Ўзбекистон олий таълим тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Илмий тадқиқот мақоласининг методикаси уни олдида қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, концепция ва уни амалга оширишнинг амалий жиҳатларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ масалаларни босқичма-босқич ечиб боришни назарда тутди.

Тадқиқот ишида танлаб ва ялпи ўрганиш, таркибий таҳлил, олий таълим тизими муаммоларини ўрганишга тизимли ёндашув, мақсадли прогнозлаштириш методларидан фойдаланилган [31].

Илмий тадқиқот мақоласида таълим тизимида тадбиркорликни ривожлантиришнинг таҳлили ва прогнозлашни методик масалалари кўриб чиқилган. Ўзбекистонда хусусий таълимни ривожлантириш самарадорлиги таҳлил этилган, ҳамда қўшни мамлакатлардаги таълим хизматлари бозорлари тадқиқ этилган.

Мамлакат таълим тизимининг ижтимоий таркибини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари асослаб берилган, истиқболда таълим хизматларига бўлган эҳтиёжлар ва уни кўрсатиш шакллари белгилаб берилган.

Натижалар. Тарихан ҳар бир мамлакат тараққиётида университетларнинг ўрни иқтисодий ва ижтимоий шарт-шароитдан келиб чиқиб ўзгариб борган, университетларда янги мақсад ва вазифалар пайдо бўлиб бу уларнинг моделлари характеристикаларида ўз аксини топган [32]:

Университет 1.0 – иқтисодиётнинг ва ижтимоий соҳанинг алоҳида секторларида ўз касбий фаолиятларини олиб борадиган мутахассисларни тайёрлайдиган таълим муассасаси. Асосий миссияси – таълим.

Университет 2.0 – тадқиқот ишлари ва Илмий-тадқиқот ишларини (ИТИ) бажариш муҳим аҳамиятга эга бўлган таълим муассасаси. Таълим ҳисобланган асосий миссиясига янги функция қўшилади – саноат сектори учун илмий тадқиқотлар олиб бориш.

“Замонавий тараққиёт университетлардан илмий-тадқиқот фаолияти натижаларини тижоратлаштириш ва янги илмталаб корхоналарни яратиш орқали иқтисодиётга билимларга асосланган ҳисса қўшишни фаоллаштиришни талаб қилмоқда. Ушбу қўйилган талабларга тадбиркорлик университети (Entrepreneurial university) ёки Университет 3.0 модели тўлиқлигича мос келади. “Университет 3.0” концепцияси 1998 йилда Бертон Р.Кларк томонидан ишлаб чиқилган ва у томонидан “Entrepreneurial university” термини (кўп илмий нашрларда “Университет 3.0” деб юритилади) илмий муомалага киритилган. Аммо ҳанузгача ушбу тушунчанинг аниқ таърифи ишлаб чиқилмагандир. Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, Университет 3.0 – бу ўз фаолиятини таъминлаш учун қўшимча молиявий ресурслар жалб эта оладиган, таълимнинг инновацион методларидан фойдаланувчи, университет тадқиқотчиларининг

ишланмалари амалиётга жорий этиладиган бизнес сектори билан изчил фаолият олиб борадиган олий таълим муассасасидир” [33].

Ҳозирги вақтда тадқиқотчилар тадбиркорлик университетининг икки моделини ажратиб кўрсатишмоқда: “... натижа бўйича тадбиркорлик университети – педагоглар ва битирувчилар инновацион компаниялар ташкил этишади; фаолият типи бўйича тадбиркорлик университети – бошқарувчилар командаси (университет-тадбиркор).

Биринчи модель талабалар, педагоглар ва битирувчилар учун юқори технологияли стартапларни ва спин-офф компанияларни шакллантиришга қулай шарт-шароитларни яратиб беришни назарда тутди.

Иккинчи модель янги илмий-техник маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва бозорга олиб чиқиш орқали қўшимча молиявий ресурсларни жалб этиб давлат ресурсларидан боғлиқлиги камайиб боришини таъминлайдиган салоҳиятли илмий марказларни ташкил этишни назарда тутди” [34].

Ўзбекистонда университетларни 2.0 ёки 3.0 формаларига ўтиш жараёни сезиларли даражада сустлашгандир. Бунинг асосий сабаби давлат университетларини бюджет томонидан молиялаштириш деб тахмин қилиш мумкин. Бу ҳол давлат университетлари маъмуриятида “истеъмомолчилик” характерини шакллантиради, ва бошқарувда ташаббускорлик ва ижодий ендашувни қўллаб-қувватламайди. Яна бир жиҳат, давлат университетлари даромадлари ва харажатлари таркиби ва тизимидаги ўзгаришлар кўплаб назорат қилувчи ва бошқарув органларига хуш келмайди, чунки бу ўзгаришлар аввал қонунчиликда белгилаб қўйилган стандартларга мос келмайди. Замонавий университет ўзининг молиявий маблағларига эга бўлиб уни самарали бошқариши керак. Бюджет маблағларини тушишини “кўзи тўрт бўлгунча кутиш” билан “Университет 3.0”ни шакллантириб бўлмайди.

Биринчи жадвал маълумотларидан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, йилдан йилга битирувчиларни ОТМларга кириш имкониятлари пасайиб борарди, чунки қабул квоталари тегишли нисбатда ўзгармас эди. Бу йил ўқишга кира олмаганлар кейинги йилдаги “абитуриентлар армияси” сафига қўшилиб бораверарди. Қабул квоталари мактаб бити-

1-жадвал. Мактаб битирувчилари ва Ўзбекистон ОТМларига қабул режаси ўртасидаги мутаносиблик [35, 36, 37, 38, 39]

Йиллар	Мактаб битирув-чилари	Ўзбекистон ОТМларига қабул режаси	Мактаб битирувчилари ва ОТМларга қабул режаси ўртасидаги фарқ
2020 йил	451 000	139 950	311 050
2021 йил	483 500	157 755	325 745
2022 йил	388 800	110 707*	278 093
2023 йил	387 000	190 287	196 713

* - давлат буюртмаси параметрлари

2- жадвал. Хорижда ўқиётган Ўзбекистон фуқаролари сони [40, 41, 42]

Мамлакатлар	2022	2023	2024
Қирғизистон	52 291	17 100	2 845
Тожикистон	47 213	32 500	11 409
Россия	13 128	63 600	7 301
Қозоғистон	10 646	78 300	1 372
Туркия	5 265		2 195
Жанубий Корея	4 645		1 839
АҚШ	987		486
Буюк Британия	971		693
Беларусь	928	27 000	
Германия	772		
Украина		76 800	
Туркменистон		60 900	
Озарбайжон		49 700	
Афғонистон		34 300	
Хитой			672
БАА			295
Бошқа мамлакатлар			1292

рувчиларининг тахминан 30%ни қамраб олиш имконига эга эди. Албатта, супершартнома орқали ҳам ўқишга кириш имконияти мавжуд эди, лекин кўпчилик белгиланган маблағ тўлаш имкониятига эга эмас эдилар. Ўзбекистон ОТМларига ўқишга кира олмаган абитуриентлар қўшни мамлакатлар таълим бозорини ўргана бошлашди ва хорижий университетларга ўз ҳужжатларини топшира бошлашди (2-жадвал).

2024 йилда Қозоғистон университетларида 26 мингдан зиёд хорижлик талабалар таҳсил олишган. Ушбу кўрсаткич 2018 йилга нисбатан деярли икки баробар ўсган (3-жадвал).

Хорижликлар асосан қуйидаги йўналишлар бўйича ўқиш истагида бўлишмоқда:

- соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот;
- педагогик ихтисосликлар;
- бизнес, бошқарув ва ҳуқуқ.

Қозоғистон университетларида ўқишнинг шартнома суммаси ихтисослик-

дан келиб чиқиб 635 000 дан 1 100 000 тенге оралиғидадир [45], бу тахминан 1299 – 2250 АҚШ долларни ташкил этади. Агар ўзбекистонлик хорижий талабаларни Қозоғистон университетларига тўлаган шартнома пуллари 2024 йил учун тахминий ҳисобини олсак бу сумма тахминан 8 млн. 730 минг АҚШ долларини ташкил этади (6724 талаба 1299 АҚШ доллардан).

Томск Давлат университети олимлари Марказий Осиёда олий таълимни байналминлаштириш муаммоларини чуқур таҳлилинини ўтказган ҳолда қуйидаги хулосаларга келишди: "Қозоғистон олий таълимни байналминлаштиришда яхши натижаларга эриша олди. Қозоғистон ОТМларига ишлашга жалб этилган хорижий мутахассисларнинг (жами 2009-2023 йй. оралиғида 15 мингдан ортиқ) ва хорижда стажировка ўтаган маҳаллий университетлар вакилларининг сони сезиларли даражада ўсди, бу эса ўз навбатида инглиз тилидаги таълим дастурларини ва хорижий ОТМлар билан

3-жадвал. Қозоғистонда таҳсил олаётган хорижлик талабалар (мамлакатлар кесимида) [43, 44, 45]

Мамлакатлар	2018	2023	2024
Ўзбекистон	3 683	14 400	6 721
Туркменистон	1 320	2 000	2 750
Қирғизистон	1 026	659	--
Хитой	1 290	811	--
Ҳиндистон	3 290	5 900	8 699
Россия	--	1 263	--
Монголия	--	1 010	--
Иордания	--	546	--
Тожикистон	--	389	--
Туркия	--	266	--
Покистон	--	229	--
Афғонистон	--	166	--
	...	...	...
Жами хорижлик талабалар	≈14 минг	≈27 минг	≈26 минг

4-жадвал. Қирғизистонда таҳсил олаётган хорижлик талабалар (мамлакатлар кесимида) [47]

Мамлакатлар	2013	2023
Ўзбекистон	1 219	40 282
Қозоғистон	4 357	3 179
Россия	--	1 916
Тожикистон	--	876
Туркменистон	--	64
МДХнинг бошқа мамлакатлари	--	36
Ҳиндистон	1 137	15 306
Покистон	--	8 407
Туркия	--	467
Хитой	--	399
Афғонистон	--	347
МДХдан ташқари бошқа мамлакатлар	--	395
Жами хорижлик талабалар	11 300	71 674

таълим дастурларини сонини кўпайтиришга имкон берди. Қисман инглиз тилида таълим олишга ўтилишига қарамасдан мамлакатда инглиз тилини билиш даражаси пасайиб бормоқда. Қозоғистон хорижлик талабалар контингентини режалаштирилган даражага қадар ўсишини таъминлай олмади: уларнинг улуши 2020 йилда 5,5% гача кўтарилиб, 2022-2023 ўқув йилида 4,5%га тушиб қолди" [30].

Қирғизистон хорижлик талабалар сони бўйича Марказий Осиёда биринчи ўринга чиқди ва МДХ да етакчи позицияларга эришди [46]. 2022-23 ўқув йилида Қирғизистонда 71,7 минг хорижлик талабалар таҳсил олишди (4-жадвал).

Умумий ҳисобда "2020 йилда ҳам, 2021 йилда ҳам хорижий талабаларнинг ярмидан кўпи Ўзбекистон фуқаролари бўлишган, иккинчи ва учинчи ўринларда Ҳиндистонлик ва Покистонлик талабалар эгаллашган.

Қозоғистон, Россия ва Тожикистон талабалари 2020 йилда бор йўғи 9%ни ташкил қилишарди (ҳар бир мамлакатга 3%дан тўғри келарди). 2021 йилда ушбу мамлакатлардан келган хорижий талабалар 6%ни ташкил қилган (ҳар бир мамлакатга 2%дан). Туркиядан келган хорижий талабалар 2020 йилда ҳам 2021 йилда ҳам 1%ни ташкил этган" [48]. Бошқа мамлакатлар вакиллари тегишли ўқув йилларининг бошига хорижлик талабалар контингентининг 1%нигина ташкил қиларди [49].

2017 йилдан 2023 йилгача Қирғизистонда хорижий студентларнинг сони ўсиб борди. "Бунда ўсишнинг асосий қисми Ўзбекистондан келган талабаларга тўғри келиб, уларнинг улуши 11%дан 90%гача кўтарилди. Бир вақтнинг ўзида Қозоғистонлик талабаларнинг улуши 2017-18 ўқув йилидаги 43%дан 3%га тушиб қолди. Таълим олаётган хорижликларнинг улуши МДХдан ташқари мамлакатлар

вакиллари ҳисобига ошиб бормоқда, охириги 5 йилда 8 мингдан 24 минг кишигача, яъни 2,7 маротаба ошди” [50].

Бу ҳол Қирғизистоннинг кўпчилиги университетлари қўшни мамлакатлар фуқаролари учун қулай таълим дастурлари таклиф қилиши натижасида юз берди. Қирғизистон таълим вазирлигининг маълумотларига кўра мамлакат университетларида хорижлик талабалар сонини ортиши олий таълим трансформацияси дастурида устувор йўналишлардан бири ҳисобланади [51]. “2022-23 ўқув йилида Қирғизистонда жами 71,7 минг хорижий талабалар ўқишган. Шулардан 46 минг кишидан ортиғи МДХ мамлакатлари фуқароларидир” [47]. Хориждан ўқиш учун келаётган талабаларнинг мамлакатлари бу “...Ҳиндистон, Покистон ва Ўзбекистондир. Ушбу 3 мамлакатдан келган талабалардан университетлар бюджетига йилига ўртача 4,7 млрд.сом тушади” [52] (54 524 362 АҚШ долл.).

Қирғизистонда хорижий талабалар бўйича олиб борилган махсус тадқиқотларда қуйидаги фикрлар билдирилган: “Умумий омиллардан ташқари яна Қирғизистон Республикасига таълим миграциясини амалга ошириш учун сабаб бўлувчи баъзи мамлакатлар учун специфик сабаблар мавжуд. Масалан, Қирғизистон Республикасидаги хорижий талабаларнинг асосий улуши Ўзбекистон фуқаролари ҳисобланиб улар Қирғизистон университетларини оралиқ бўғим сифатида фойдаланадилар. Ўзбекистон университетларига конкурс жуда юқори бўлганлиги сабабли ўзбекистонликлар Қирғизистон университетларига ўқишга кириб бир йилдан сўнг ўзларининг ватанларидаги университетларга ўқишларни кўчирадилар. 2010 йил июнь воқеаларига қадар Қирғизистонда ўзбек тилида ўқув жараёни ташкиллаштирилган 2 та университет мавжуд эди, 2019 йилга келиб мамлакатда ўзбек тилида таълим берадиган университетлар қолмади, бу эса кўпмаданийли таълим принципларига зиддир” [48].

Томск олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотларда кўрсатилишича: “...Қирғизистон ОТМларига хорижий талабаларни жалб қилиш динамикаси қарама-қарши табиатга эга: Ўзбекистон ва МДХдан келаётган талабалар сони камайиб бормоқда, лекин Ҳиндистон

ва Покистондан келаётган талабалар сони ортиб бормоқда. Охириги йилларда хорижда таҳсил олаётган Қирғизистон фуқаролари сони ортиб бормоқда: Туркияда (2023 йилда 2,3 минг талаба), АҚШда (2022 йилда 705 талаба), Польшада (553 талаба), Жанубий Кореяда (345 талаба), Ўзбекистонда (333 талаба); Хитойга таълим миграцияси тикланди (2023 йилда 4 минг киши атрофида). 2022 йилда Қирғизистондан Россия ОТМларига қабул 2%га ўсди, лекин 2023 йилда 10,6%га қисқарди; 2023-24 ўқув йилининг бошига умумий контингент 8,8 минг кишини ташкил этди (2021 йилга нисбатан 8,4% қисқариш)” [30].

Шу билан бирга ушбу тадқиқотда Тожикистон олий таълимини байналминлаштириш масалалари чуқур ўрганилган бўлиб, хусусан унда қуйидагилар қайд этилган: “...Тожикистон олий таълимини байналминлаштириш ресурслар етишмаслиги сабабли нуқтали усул билан ва асосан Россия билан таълим соҳасидаги ҳамкорликка таянган ҳолда инерция асосида амалга оширилган. Шу билан бирга 2000 йиллардан бошлаб олий таълимда ғарб стандартларига, жумладан Болонья тамойилларига, ўтиш жараёнлари амалга оширилган. Таълим тизимини байналминлаштириш устувор характерга эга бўлса ҳам, бу ниятлар декларация сифатида қолиб кетаверди: ҳукуматнинг ҳаракатлари олий таълим тизимни ҳажман кенгайтириб, ундан ешларнинг фойдаланиш имкониятлари кенгайди холос, донорларнинг маблағлари эса, биринчи навбатда, ўрта таълимни модернизациялашга сарфланди” [30].

Дискуссия. Хусусий (нодавлат) университетларини пайдо бўлиши жараёни узоқ йиллардан бери олий таълим олмоқчи бўлган Ўзбекистон фуқароларига университетларга ўқишга кириш имконини берди. Хусусий университетларга талабаларни кўплаб қабул қилинишини иккинчи оммавий (тўлқин каби) жараёни қўшни мамлакатларда таҳсил олаётган Ўзбекистон фуқароларининг ўз ватанига ўқишни кўчириши нияти билан боғлиқ. Уларнинг кўпчилиги (асосий қисми) Ўзбекистон ҳудудига ўқишларини кўчирдилар.

Таълим соҳасида хусусий секторни пайдо бўлиши ва ривожланиши хусусий ихтисослашган мактаблар, ўрта мактаблар ва мактабгача

таълим муассасаларини пайдо бўлиши билан биргаликда борди.

Нодавлат таълим муассасалари институционал жиҳатдан тегишли вазирликларга бўйсунити таъминланди. Бу ҳол янги университетларга таълим бозорнинг субъекти сифатида бошқа давлат университетлари олдида тенг ҳуқуқ ва имкониятларни берди. Давлатнинг ушбу сиёсати нодавлат таълим муассасаларига таълим бозорини барқарорлаштиришга ва тартибсизликларга йўл қўймаслик имконини берди.

Шуниси қувонарлики Ўзбекистон фуқаролари ўқиган (ўқаётган) қўшни мамлакатлардаги кўпчилик университетлар барқарор ривожланиш ва жаҳоннинг ТОП-1000 университетлар қаторига кириш борасида катта муваффақиятларга эришишди. Бу ерда масала хорижий талабларнинг шартнома тўловларидан келиб тушаётган катта пул маблағларини муваффақиятли ва аниқ ҳисоб-китобли сарфланиши тўғрисида кетмоқда. Ўзбекистондан энг катта оқим қуйидаги университетларга келган: Ош давлат университети, М.Ауэзов номидаги Жанубий Қозоғистон университети, Шимкент университети, М.Дулати номидаги Тараз минтақавий университети ва Хўжанд бизнес ва ҳуқуқ университети. Мўлжалланган мақсадга фақатгина битта университет эриша олди - М.Ауэзов номидаги Жанубий Қозоғистон университети QS рейтингда тахминан 600-ўринларда. М.Дулати номидаги Тараз минтақавий университети мақсадга эришиш арафасида (2024 йилда 1200-ўрин). Қолган санаб ўтилган университетлар ҳам рейтингга кириш арафасидадирлар. Шу ва бошқа шу каби университетлар ўз моддий-техник базаларини хорижий талабалар шартнома тўловлари маблағлари ҳисобига мустаҳкамлаб олишди.

Хулоса. Ушбу илмий мақолани тайёрлаш ва ёзиш жараёнида амалга оширилган тадқиқотлар қуйидаги хулоса ва таклифлар қилиш имконини беради.

1. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда университетларни 2.0 ёки 3.0 формаларига ўтиш жараёни сезиларли даражада сустлашгандир. Бунинг асосий сабаби давлат университетларини бюджет томонидан молиялаштириш деб тахмин қилиш мумкин. Бу ҳол давлат университетлари маъмуриятида "истеъ-

молчилик" характерини шакллантиради, ва бошқарувда ташаббускорлик ва ижодий ендашувни қўллаб-қувватламайди.

2. Охирги йилларда битирувчиларни ОТМларга кириш имкониятлари пасайиб борарди, чунки қабул квоталари тегишли нисбатда ўзгармас эди. Бу йил ўқишга кира олмаганлар кейинги йилдаги "абитуриентлар армияси" сафига қўшилиб бораверарди. Қабул квоталари мактаб битирувчиларининг тахминан 30%ни қамраб олиш имконига эга эди.

3. Албатта, супершартнома орқали ҳам ўқишга кириш имконияти мавжуд эди, лекин кўпчилик белгиланган маблағ тўлаш имкониятига эга эмас эдилар. Ўзбекистон ОТМларига ўқишга кира олмаган абитуриентлар қўшни мамлакатлар таълим бозорини ўргана бошлашди ва хорижий университетларга ўз ҳужжатларини топшира бошлашди.

4. Ўзбекистон фуқаролари ўқиган (ўқаётган) қўшни мамлакатлардаги кўпчилик университетлар барқарор ривожланиш ва жаҳоннинг ТОП-1000 университетлар қаторига кириш борасида катта муваффақиятларга эришишди. Бу ерда масала хорижий талабларнинг шартнома тўловларидан келиб тушаётган катта пул маблағларини муваффақиятли ва аниқ ҳисоб-китобли сарфланиши тўғрисида кетмоқда.

5. Хусусий (нодавлат) университетларини пайдо бўлиши жараёни узоқ йиллардан бери олий таълим олмоқчи бўлган Ўзбекистон фуқароларига университетларга ўқишга кириш имконини берди. Хусусий университетларга талабаларни кўплаб қабул қилинишини иккинчи оммавий (тўлқин каби) жараёни қўшни мамлакатларда таҳсил олаётган Ўзбекистон фуқароларининг ўз ватанига ўқишни кўчириши нияти билан боғлиқ. Уларнинг кўпчилиги (асосий қисми) Ўзбекистон ҳудудига ўқишларини кўчирдилар.

6. 2025-26 ўқув йилидан таълимнинг сиртқи шаклига қабул тугатилиши [53] ишдан ажралмаган ҳолда олий таълим олмоқчи бўлганларнинг имкониятларни маълум бир даражада чекловига сабаб бўлиши мумкин. Шу сабабдан сиртқи таълимда таҳсил олиш истагида бўлганлар яна Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон университетларига ўқишга боришлари кўпайиши мумкин.

Адабиётлар рўйхати:

1. Воробьева С.В. Основы управления образовательными системами: учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений /С.В.Воробьева. – М.: Издательский центр «Академия», 2008. – 208 с.
2. Gabor Kertesi. The assessment and evaluation o- educational institutions, school accountability. Green Book: -or the renewal o- public education in Hungary. Budapest, 2009. P. 179-180.
3. Корзникова Г.Г. Менеджмент в образовании: практический курс: учеб.пособие для студ. высш. учеб. заведений / Г.Г.Корзникова. – М. : Издательский центр «Академия», 2008. – 288 с.
4. Лазарев В.С. Нормативный подход к оценке инновационной деятельности школы. // «Педагогика», 2003, № 3. – С. 17–26.
5. Лазарев Г.И. (ред) Управление современным университетом. - Владивосток: Изд-во ВГУЭС, 2005. 324 с.
6. Муминов А.Г. Реформы в образовании Узбекистана: состояние и перспективы. // Бюллетень науки и практики, 2019, № 9, С.478-483.
7. Назарова Д. Информационный менеджмент в маркетинге образовательных услуг // Общество и управление. – 2010. – № 3. – С. 65-67.
8. Muminov N.G., Umidakhon R. INTERNATIONALIZATION OF HIGHER EDUCATION AS A FACTOR IN IMPROVING THE COMPETITIVENESS OF THE NATIONAL ECONOMY. Проблемы и пути трансформации национальных экономик: новые вызовы инвестиционно-инновационного прорыва. Научно-практическая электронная конференция. Ташкент, 2019. С. 97-100.
9. Муминов Н.Г. Таълим хизматларининг ижтимоий таркибини ўзгариб боришининг дастлабки натижалари // Современное образование, № 5 (126), 2023 й. 18-36 бетлар. DOI: 10.34920/SO/VOL_2023_ISSUE_5_3;
10. Муминов Н.Г., Захирова Г.М. НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА - КОЛЫБЕЛЬ УНИВЕРСИТЕТСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ И АКАДЕМИЧЕСКОЙ НАУКИ В РЕГИОНЕ. В книге: Современные евразийские университеты: использование информационных технологий. монография. Сер. «Евразийские университеты XXI века». Москва, 2022. С. 290-304.
11. Балобанова Е.Г. Качество образования как объект эмпирических исследований // Социально-гуманитарное знание. – 2008. – № 1. с.187.
12. Денисенко В.А. Современной высшей школе нужны инженерные методы управления качеством учебного процесса // Открытое образование. – 2005. – № 5. с. 77–79.
13. Коротков Э.М. Управление качеством образования: учебное пособие для вузов. – М., 2006. 154 стр.
14. Курбанов Ш.Э., Сейтхалилов Э.А. Управление качеством образования. Монография. – Т.: «Шарк», 2004. – С. 498-520.
15. Третьяков О.Б. Потенциальное качество образования // Социально-гуманитарное знание. – 2006. – № 3. с. 52–54.
16. Субанов Т.Т. Текущие проблемы системы высшего образования Кыргызстана в условиях экономического кризиса // Большая Евразия: развитие, безопасность, сотрудничество. 2022. № 5-1. С. 1084. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/tekuschie-problemy-sistemy-vysshego-obrazovaniya-kyrgyzstana-v-usloviyah-ekonomicheskogo-krizisa> (дата обращения: 20.04.2023).
17. Dr. Tania Gupta al. The Marketization of Higher Education. International Journal of Recent Research Aspects ISSN: 2349-7688, Vol. 5, Issue 3, Sept 2018, pp. 1-8.

18. Ахунова Г. Проблемы маркетинга образовательных услуг в Узбекистане: Монография. - Ташкент. - 2005. - С. 244.
19. Бондаренко В.А. Маркетинговое сопровождение образовательных услуг как средство снижения рисков высшего учебного заведения // Практический маркетинг. 2005. № 9. - С. 11-17.
20. Галева Р.М. Маркетинг гуманитарно-педагогического ВОУа // Высшее образование в России. 2008. № 1. - С. 150-152.
21. Гончаров М.А. Основы маркетинга и консалтинга в сфере образования: учебное пособие. - КНОРУС, 2010. - 336 с.
22. Кузьмина Е.Е. Маркетинг образовательных услуг: учеб. пособие для магистров. - М., Издательство Юрайт, 2012. - 330 с.
23. Мосина Н.В. Подходы к формированию компетентности будущего специалиста // Социально-гуманитарное знание. - 2007. - № 1. с. 37.
24. Набиев Д. Совершенствование управления маркетингом образовательных услуг в условиях модернизации экономики. Автореф. ... докт. эконом. наук. - Ташкент, 2009. - С.48.
25. Очилов А.О. Маркетинг в подготовке квалифицированных кадров сервис // Общество и управление. - Ташкент, 2007. - № 3. - С.56-58.
26. Очилов А.О. Маркетинг в сфере высшего образования // Экономика и финансы. - Москва, 2009. - № 3 (156). - С. 64-65.
27. П.И. Третьякова, С.И. Захаренков, М.В. Туберозова, Н.А. Шарай. Педагогический маркетинг в управлении развитием образовательных систем - М.: Издательство УЦ «Перспектива», 2010. - 232 с.
28. Прокопенко С.А. Повышение конкурентоспособности и организация маркетинговой деятельности как важнейшие задачи российских ВОУов // Маркетинг и маркетинговые исследования. 2005. № 6. - С. 62-67.
29. Шестак О.И. Маркетинговый подход к управлению качеством подготовки выпускников ВОУов к профессиональной деятельности // Управление системой высшего образования в условиях модернизации / Под общ. ред. С.С. Чернова. Кн. 2. Новосибирск: Сибпринт, 2012. - С. 170.
30. Евгений Троицкий, Сергей Юн, Анастасия Погорельская. Интернационализация высшего образования в Центральной Азии и роль России. (27 августа 2024). https://russiancouncil.ru/analytics-and-comments/analytics/internatsionalizatsiya-vysshego-obrazovaniya-v-tsentralnoy-azii-i-rol-rossii/?sphrase_id=159671820&ysclid=m1tjzfnksl195653404
31. Блауг М. Методология экономической науки или как экономисты объясняют / Марк Блауг ; пер. с англ. [Ю.В. Автономова] ; под ред. В.С. Автономова. - 2-е изд. - Москва : Журн. Вопросы экономики, 2004. - 416 с..
32. Совершенствование деятельности учреждений высшего образования на основе модели «Университет 3.0». <https://nihe.by/index.php/ru/university-3>.
33. <https://economic-bulletin.com/index.php/journal/article/download/873/869/>
34. Багрянцева, Е.П. Подготовка специалистов с высшим образованием на основе модели предпринимательского университета / Е.П.Багрянцева, О.Г.Котоменкова // Молодежь в науке и предпринимательстве : сборник научных статей VIII международного форума молодых ученых, посвященного 55-летию университета, Гомель-Ранчо, 15-17 мая 2019 года / Под научной редакцией Н. В. Кузнецова. - Гомель-Ранчо: Белорусский торгово-экономический университет потребительской кооперации, 2019. - С. 359-362. - EDN XUIFJN. <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=41158934>
35. Фахрулло Хамидуллаев. Названо число выпускников 11-классов в Узбекистане. 26.05.2020. <https://upl.uz/policy/16063-news.html>.

36. Утверждены квоты приема в вузы Узбекистана. 13.06.2020. <https://kun.uz/ru/18472197?ysclid=m1whncfgx7751976257>.
37. Стало известно, сколько выпускников закончили школы Узбекистана в 2020-2021 учебном году. (25.05.2021). <https://vzglyad.uz/ru/post/2021/05/25/stalo-izvestno-skolko-vypusknikov-zakonchili-shkoly-uzbekistana-v-2020-2021-uchebnom-godu>
38. В Узбекистане утвердили квоты приема в вузы на 2021-2022 учебный год. (25.05.2021). <https://uzreport.news/society/utverdili-kvoti-priema-v-vuzi-na-2021-2022-uchebniy-god>;
39. Президент утвердил квоты по приёму в вузы Узбекистана. (16.06.2022). <https://uznews.uz/posts/56440>
40. Мурад Тешабаев. Названы самые популярные страны для получения образования узбекских студентов. (08.01.2023). <https://upl.uz/economy/30637-news.html>
41. Узбекистан оказался на третьем месте в мире по числу обучающихся за рубежом студентов. (01.10.2024). <https://economist.kg/novosti/2024/10/01/uzbiekistan-okazalsia-na-trietiem-miestie-v-mirie-po-chislu-obuchaiushchikhsia-za-rubiezhom-studentov/>
42. Rayhona Ulkanboeva. Top destinations for Uzbek students studying abroad. (08.11.2024). <https://qalampir.uz/en/news/uzbekistonliklar-uk-ish-uchun-asosan-k-aysi-davlatga-ketmok-da-109506>
43. В Казахстане учатся 14 тысяч студентов-иностранцев. (09.04.2018). <https://kapital.kz/gosudarstvo/68203/v-kazakhstane-uchatsya-14-tysyach-studentov-inostrantsev.html>
44. Майра Медеубаева. Граждане Узбекистана и Индии лидируют в числе иностранных студентов в Казахстане. (20/01/2023) <https://inbusiness.kz/ru/last/grazhdane-uzbekistana-i-indii-lidiruyut-v-chisle-inostrannyh-studentov-v-kazahstane>
45. Надежда Занина. Сколько иностранцы платят за образование в Казахстане и какие выгоды получает страна. (21 мая 2024). <https://informburo.kz/stati/skolko-inostrancy-platyat-za-obrazovanie-v-kazakhstane-i-kakie-vygody-polucaet-strana>
46. Кыргызстан занял первое место в ЦА по количеству иностранных студентов. (13.07.2022). <https://migranty.org/novosti/kyrgyzstan-zanj-al-pervoe-mesto-v-ca-po-kolichestvu-inostrannyh-studentov/>
47. Сколько иностранных студентов учатся в Кыргызстане. (11.06.2023). <https://ru.sputnik.kg/20230611/kyrgyzstan-inostrannye-turisty-1076129700.html>
48. Анализ существующих предубеждений и практик поведения в отношении иностранных студентов в Кыргызстане. 2023. С.5. https://kyrgyzstan.iom.int/sites/g/files/tmzbd11321/files/documents/2023-09/iom-report-rus_2nd-round_30.08.2023_fin.pdf
49. Образование и культура. Нацстатком КР. URL: <http://www.stat.kg/ru/statistics/obrazovanie/>
50. Более 35 процентов обучавшихся в высших учебных заведениях республики составили иностранные студенты. Национальный статистический комитет Кыргызской Республики. (14.02.2022). <http://www.stat.kg/ru/news/bole-35-procentov-obuchavshih-sya-v-vysshih-uchebnyh-zavedeniyah-respubliki-sostavili-inostrannye-studenty/>
51. В КР резко увеличилось число иностранных студентов. С чем это связано. (15.12.2021). <https://ru.sputnik.kg/20210608/nurlan-omurov-inostrannye-studenty-vuz-rost-1052775013.html>
52. Цифра дня. 70 тысяч 524 иностранных студента учатся в вузах Кыргызстана. (14.09.2022). https://24.kg/obschestvo/244892_tsifra_dnyanbsp70nbsptyisyach_524_inostrannyih_students_uchatsya_vnbspvuzah_kyrgyzstana/
53. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 5 майдаги “Таълим сифатини таъминлаш ва таълим хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-76-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/7513052>